

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"**

**№ ВМ-343-53406-3.20.02**

**"1" июль 2003 й.**

**"ТАСДИҚЛАНДИ"**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий ва ўрта махсус**

**таълим вазирлиги**

---

**"8" июль 2003 й.**

**ДАВЛАТ МОЛИЯСИ ТАРИХИ  
фанидан  
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"**

**таълим соҳасидаги 5340600 - "Молия"**

**бакалаврият йўналиши учун**

**Тошкент - 2003**

**Тузувчилар:** проф. Собиров Х.,  
доц. Жамолов Х.

**Такризчилар:** проф. Маликов Т.,  
проф. Ваҳобов А.

Дастурдан кўзланган мақсад давлат молияси тарихи бўйича зарурий кўникмаларни беришдир. Иқтисодий олий таълим масканларида таълим олувчи талабаларнинг мазкур дастур асосида таълим олишлари Давлат молияси тарихи предметидан зарурий билимларни олишга кўмаклашади.

Давлат молиясининг роли ортиб бораётган бир пайтда уни самарали бошқариш учун ҳар бир мутахассис давлат молияси тарихини чуқур билиш зарур.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида Давлат бюджетининг роли бекиёс катта. Мазкур дастур Давлат молияси тарихини ўрганишнинг назарий йўналишларини белгилашга қаратилган.

Мазкур дастур асосида тақдим этилган маърузалар Давлат молияси тарихи билан боғлиқ муаммоларни ечиш учун зарурий кўникмалар беришни назарда тутди.

Данная программа включает в себя исторические корни формирования и развития государственных финансов и предназначена для студентов направления бакалавриата "Финансы" сферы "Бизнес и управление". В программе освещены гносеологические основы государственных финансов Республики Узбекистан, которые отражают суть вопросов лекционных, практических (семинарских) занятий и тем самообразования. В программе приведен список литературы для изучения предмета на узбекском, русском и английском языках. К списку приложена перечень сайтов интернета и компьютерных учебных программ по соответствующим темам курса.

The aim of this program is to provide necessary skills about History of Public Finance.. The students who is study according to this program of high economic schools obtained necessary skills about History of Public finance.

The role of Public finance is improving and to effectively managing of Public finance every specialists have to know the history.

Budget System play a great role in countries social and economic life.. In subjects of the given rate the theoretical questions concerning History of Public finance.

The rate of given lectures stipulated by the program will help the students to master the basic theoretical aspects necessary for the decision of problems connected with Public Finance history.

Дастур Тошкент молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (25 апрель 2002 йил 9-сон мажлис баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

## 1. СЎЗ БОШИ

### **Фанни ўқитишнинг мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши**

"Давлат молияси тарихи" фанини ўқитишдан мақсади – келгусида юқори малакали иқтисодчи-мутахассислар бўлиб етишадиган талабалар учун. Ўзбекистон Республикаси давлат молияси ва унинг тарихи ҳақида назарий билимлар бериш, уларда давлатнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида амалга оширадиган молия ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича асосий кўникмалар ҳосил қилишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, фан олдида қуйидагиларни ўрганиш вазифалари қўйилган:

- давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини;
- давлат молияси ва унинг тизимини;
- бюджет тизимини бошқаришнинг ташкилий асосларини;
- давлат даромадлари тизимини ва унинг манбаларини;
- давлат харажатлари таркибини;
- бюджет жараёни ва бюджет истиқболини белгилаш асосларини;
- бюджет камомади ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва уни пасайтириш имкониятларини;
- бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлатнинг молиявий ва бюджет сиёсатини асосий йўналишларини ва ҳ.к.

"Давлат молияси тарихи" фани "Молия", "Халқаро иқтисодий муносабатлар", "Иқтисодий назария", "Давлат молияси", "Чет мамлакатлар молияси" каби фанлардан олинган назарий билимларга асосланади.

Шу билан бирга "Давлат молияси тарихи" фани қатор махсус фанлар, жумладан, "Давлат бюджети", "Маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва бошқариш", "Нобюджет фондлар", "Халқаро молия муносабатлари", "Корхона

молияси", "Солиқ назарияси", "Суғурта асослари", "Қимматли қоғозлар бозори" каби фанларни ўзлаштириш учун назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.

**Олий таълим йўналиши ёки мутахассислиги давлат таълим стандартига (ДТСга) мувофиқ равишда ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакаларига талаблар**

Ушбу фанни ўрганиш жараёнида талабалар тегишли билимга, ўқувга ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим. Талабалар умумназарий фанлардан олган билимлари билан бир қаторда тарихий манбалардан, ҳукумат қарорлари, молиявий қонунчилик, оммавий-ахборот воситалари орқали давлат молияси тарихига оид кундалик ўзгаришлардан хабардор бўлишлари лозим. Мазкур фаннинг асосий ғояларини тўла ва муваффақиятли ўрганиш учун талабалар давлат молияси тарихига оид маълумотларни таҳлил қилиш, молиявий таълимотларни умумлаштириш, қиёсий таҳлил этиш ва илмий-назарий хулосалар чиқариш усулларидадан фойдалана билишлари лозим.

"Давлат молияси тарихи" фанидан олинган билимлар талабаларни олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг, давлат молияси тарихига оид кундалик фаолиятда учрайдиган долзарб амалий масалаларни ечишда ҳамда давлат молияси ҳақидаги иқтисодий таълимотга доир адабиётларни ўрганиб, малакаларини оширишларида ҳам қўл келади.

**Амалий, семинар ва лаборатория машғулотлари бўйича бажариладиган ишлар минимал миқдорига талаблар**

Талабалар ишчи ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотлар бўйича тегишли мавзулардан конспектлар олади, реферат ва мустақил ишлар тайёрлайди ҳамда амалиёт ўқитувчиси назоратида улар юзасидан оғзаки суҳбатдан ўтади. Амалий машғулотлар мавзуларида курсив билан кўрсатилган саволларни талабалар мустақил равишда тўлиқ ўзлаштиришлари лозим.

**Аудитория машғулотлари турларининг соатлар ҳажми (фоизларда) бўйича тавсиялар**

Олий касбий таълимнинг давлат стандартларида мазкур фанга 54 соат ҳажмда вақт ажратилган. Уларнинг 18 соати маъруза, 18 соати амалий машғулотлар ва 18 соати мустақил таълимдир. Ушбу фан бўйича дарсларни ташкил этиш V ўқув семестрига мўлжалланган.

**Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори**

Ушбу фан бўйича талабаларнинг ўзлаштириш даражаси ўқув рейтинг тизими бўйича жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш асосида белгиланади.

Фанни ўқитишнинг бир семестрида икки мартаба жорий (семинар машғулотида), икки мартаба оралик (маъруза машғулотида) ва бир мартаба якуний баҳолаш (ёзма иш усулида) амалга оширилади.

### **Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш**

Ушбу фанни ўқитиш жараёнида янги технологиялардан фойдаланиш имкониятлари қуйидагилардан иборат:

- тегишли ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш технологиясининг мавжудлиги;
- тўла ўзлаштириш технологияси кўзда тутилганлиги;
- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига ўтказиш технологияси мавжудлиги;
- тест топшириқларининг инвариантлиги методологияси ва назариясидан фойдаланилиши;
- муаммоли усул ва ҳақиқатни иммитацион моделлаштириш асосларидан фойдаланилиши;
- таянч ибораларга асосланган ёзма иш орқали назорат ишларини ўтказиш тизимидан фойдаланилиши.

Бу фанни ўқитишда молия соҳасига тегишли қонунлар, ҳукумат қарорлари, тарихий ҳужжатлар ва манбалар, молиявий ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими ("Молия" АИЖ) дастури, низомлар ва молиявий лойиҳаларни баҳолашнинг ЮНИДО ва "Project expert" компьютер дастурларидан, янги компьютер технологиялардан, тарқатма материаллардан, тестлар тўпламидан ҳам фойдаланиш мумкин.

### **Ишчи дастурни тузишга оид услубий тавсиялар**

Ушбу фан бўйича ишчи дастурлар тузишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

1. Фан бўйича бакалавриат босқичининг тегишли йўналишлари учун тасдиқланган ўқув режасига мувофиқ ажратилган соатлар ҳисобга олиниши зарур;
2. Ҳар бир мавзуга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳамда тегишли молиявий қонунчилик асосидаги янги талаб ва ўзгаришлар талабалар эътиборини жалб этадиган тарзда берилиши керак;
3. Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар ва саволлар ажратишиб кўрсатилиши лозим;

4. Ўқитишнинг илғор технологиялари, дастурий таъминот имкониятлари ҳамда талабалар билими даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими талабларидан келиб чиқувчи вазифалар ҳам ёритилиши лозим.

## **2. ФАН ДАСТУРИ**

**"Давлат молияси тарихи" фани бўйича ўқиладиган маърузалар мавзулари**

### **Курснинг предмети ва мазмуни**

*"Давлат молияси тарихи" фанининг предмети, методи ва вазифалари. Фаннинг таркибий тузилиши ва бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Мавзуларнинг даврий–хронологик ва мантиқий тақсимланиши.*

### **Қулдорлик ва феодализм шароитида молия**

*Қулдорлик давлатларининг молияси, қулдорлик давлатлари молиясининг назарий масалалари. Пулнинг ва товар-пул муносабатларининг келиб чиқиши, қулдорлик давлатларининг даромадлари. Дастлабки солиқларнинг келиб чиқиши. Солиқ ҳақидаги дастлабки қонунлар ва солиқларни ундириш тартиби. Греция, Рим ва Мисрда давлат молиялари. Ўзбекистонда қулдорлик ва феодализм тизимининг ўзаро боғланиб кетганлиги. Феодал давлат молиясининг қулдорлик давлати молиясидан фарқи, феодал давлатларнинг даромад ва харажатлари. Ўрта аср шаҳарларида феодал давлат молияси хусусиятлари. Ўзбекистонда давлат молиясининг келиб чиқиши, Ахмоний Искандар Зулқарнайн, араб истилоси ва мўғуллар даврида молия, унинг қулдорлик ва феодал хусусияти.*

### **Амир Темури давлати молияси ва амалга оширилган молиявий тадбирлар**

*Амир Темури томонидан қадимдан мавжуд бўлиб келган ўзбек давлатчилиги бошқарув тизимларининг илми классик намуналарининг қайта тикланиши. Низомулмулкнинг "Сиёсатнома" ва Амир Темурининг "Темури тузуклари" асарларида молия масалалари. А.Темурининг солиқ назариясининг А. Смитдан 3-4 аср олдин баён этилганлиги. "Темури тузуклари"да бўлажак бюджетларнинг ниҳоллари. Темури томонидан асосланган солиқ тизими ва хазинани бошқариш. Маҳаллий ва марказий молияларни бошқаришнинг такомиллаштирилиши. Амир Темури тадбирларининг Бобури ва Улуғбек томонидан ривожлантирилиши, Алишер Навоийнинг молия соҳасидаги фикрлари ва фаолияти.*

### **Марказий Осиё хонликларида молия**

*Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларининг шаклланиши. Хонликларда молияни бошқаришдаги умумий усуллар ва айрим хусусиятлар. Давлат*

хазинасининг бошқарилиши. *Амур Темур тавсияларининг инкор қилиниши, харажатлар таркиби, солиқлар тизими, ер солиғи ва бошқа солиқларни ҳисоблаш усуллари, чорвачилик, савдодан олинадиган солиқ ва бошқа солиқлар.* Солиқ соҳасидаги шарият тавсияларини маҳаллий амалдорлар томонидан инкор этилиши. Маҳаллий солиқлар ва уларнинг хусусиятлари. *Солиқ тўплашининг бошқарилиши ва солиқ боқимандасини ундириш, хонликлар даврида иқтисодий, молиявий фикрларнинг ривож-ланиши, Марғилоний, Аҳмад Дониш, Махмур, Завқий, Бердах, Фитрат, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний ва бошқаларнинг асарларида молия масалалари. Чор Россияси мустамлакачилик сиё-сатининг хонликлар давлат молиясига таъсири.*

### **Мустамлака даврида Туркистонда давлат молияси**

Молия иқтисодий категория сифатида. *Европада давлат молиялари ва молия фанининг ривожланиши. Ж.Боден, М.Сюлли, А.Решелье, У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо, Н.И.Тургеневларнинг молиявий қарашлари. Молия фани бўйича биринчи дарсликларнинг яратилиши. Молия категориялари ва уларнинг хиллари (давлат бюджети, солиқ тизими, маҳаллий молиялар, давлат корхоналарининг молияси, суғурта).* *Туркистон босиб олингандан кейин хонликлар молиясининг Россия молия тизимига айлантиришига қаратилган тадбирлар. Рус амалдорларининг Туркистон Россия учун зарар келтирувчи мустамлака назарияси танқиди. Туркистон давлат молияси Россия молиясининг таркибий қисми.*

### **Туркистон мустамлакачилигида давлат бюджетининг харажатлари**

*Бюджетнинг моҳияти ва функциялари. Бюджетнинг миллий даромадларни тақсимлашдаги роли. Бюджетнинг даромад ва харажатлари. Туркистон генерал губернаторлигининг харажатлари. Ҳарбий ва мустамлаканинг жабр-зулми, бошқарув харажатлари. Иқтисодий тадбир харажатлари ва уларнинг хусусиятлари. Шаҳарлар ва маҳаллий бюджетлар томонидан ижтимоий-маданий тадбирларга қилинган харажатларнинг ўзига хос белгилари. Давлат солиқлари ва даромадлари. Хонликлардаги солиқларни Россия солиқ тизимига айлантирилиши. Бухоро амирлиги ва Хива хонликлари пул муомаласига Россиянинг иқтисодий таъсири. Россия харажатларининг хонликлар ҳисобига қопланиши. Бухоро амирлигининг Лагофет тузган бюджет лойиҳаси.*

### **Октябрь тўнтарилишидан кейин Ўзбекистонда молия соҳасида амалга оширилган ўзгаришлар ва уларнинг мустамлакачилик характери**

*Туркистон автоном республикаси, Бухоро ва Хоразм республикаларида амалга оширилган дастлабки молиявий тадбирлар ва уларнинг мазмуни. 1921 йилда*

Туркистонда ўтказилган пул ислоҳоти ва унинг республика молия тизимини шакллантиришдаги роли. *Бухоро ва Хоразм республикаларининг бюджетлари ва улар харажатларини эмиссия асосида қопланиши*. Бу республикаларда ўтказилган пул ислоҳотлари ва уларнинг бюджет тизимига таъсири.

### **Ўзбекистонда молия тизимини шакллантиришнинг асосий босқичлари**

*Ўзбекистоннинг илк давридаги молияси ва дастлабки "бюджети" нинг қарамлик характери; бюджетнинг даромадлари ва харажатлари. Бюджет камомати ва унинг сабаблари. 1930 йилдаги солиқ ва кредит ислоҳотлари. Давлат молиясини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар. Ўзбекистон миллий даромадини Россия манфаатларини кўзлаб тақсимлашда давлат бюджети орқали ўтказилган тадбирлар. 1930 йилда амалга оширилган солиқ ислоҳоти ва оборот солиғининг республика даромадларини қайта тақсимлашдаги роли.*

### **Ўзбекистон молияси иккинчи жаҳон уруши даврида**

*Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти ва молиясида содир бўлган ўзгаришлар. Бюджет даромадларида аҳолидан олинган солиқлар ҳиссасининг кўпайиши. Ўзбекистоннинг мамлакат муҳофаа фондига қўшган ҳиссаси. Бюджет даромадларидаги ўзгаришлар, ҳарбий солиқ ва бошқа йиғимлар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида бюджет даромад ва харажатларидаги ўзгаришлар. Хўжалик ислоҳоти ва унинг бюджетга таъсири. Урушдан кейинги даврда республика миллий даромадининг энг кўп қисмини иттифоқ бюджети ва қўшни республикалар молия тизими орқали сафарбар қилиниши.*

### **Ўзбекистонда суғурта**

Шариат ва бошқа қадимги қонунларда табиий офат, шикастланиш, муҳтожлик ҳолларда фуқароларни таъминлаш жамғармалари. *Фондли ва фондсиз суғурталар жамғармаларининг шаклланиши. Ғарбий Европада суғурта монополиялари ва уларнинг Россияга таъсири. Россияда дастлабки суғурта монополияларининг ташкил қилиниши ва уларнинг Туркистонда вужудга келган бўлимлари. 1912 йилги тўнтаришдан кейин Туркистонда суғуртани ташкил қилиниши. Ўзбекистонда суғурта монополиясининг тугатилиши ва 1930 йилда Ўзбекистонда биринчи суғурта тўғрисидаги қонунининг қабул қилиниши. 1997 йилда "Ўзагросуғурта" ДАСК, "Кафолат" ДАСК ва "Ўзбекинвест" экспорт-импорт суғурта ташкилотларининг вужудга келиши ва уларнинг бошқа молия ташкилотлари билан муносабатлари.*



## **Империя молия тизимининг тугатилиши ва Ўзбекистонда мустақил молия тизимининг шаклланиши**

Собиқ Иттифоқ томонидан 70 йил давомида мустамлакачилик молия сиёсатининг амалга оширилиши. *Иттифоқ тугатилганидан кейин издан чиққан пул муомаласи, қарзларга ботган кредит тизими, тақчиллиги жиҳатидан рекорд қўйган бюджет тизимининг мерос қилиб қолдирилиши. Ўзбекистоннинг молиявий мустақиллигини таъминловчи дастлабки тадбирлар. Янги конституцияда Ўзбекистоннинг мустақил бюджети. Солиқ тизими, пул бирлиги мавжудлигининг қонунлаштирилиши. Ўзбекистонда ўтган 11 йил давомида молия тизимини ривожлантириш бўйича эришилган муваффақиятлар. И.А.Каримовнинг иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичида молия тизимининг навбатдаги вазифалари ва уларни амалга оширишда молия муассасаларининг роли ҳақидаги кўрсатмалари.*

### **3. АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ, ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ, ЧИЗМА-ҲИСОБ ИШЛАРИ, КУРС ИШ(ЛОЙИҲА)ЛАРИ МАВЗУЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ РЎЙХАТИ**

**Амалий (семинар) машғулотлари мавзулари рўйхати**

**Курснинг предмети ва мазмуни**

"Давлат молия тарихи" фанининг предмети, методи ва вазифалари\*. Фаннинг таркибий тузилиши ва бошқа фанлар билан боғлиқлиги\*. Мавзуларнинг даврий-хронологик, мантикий тақсимланиши.

#### **Ўзбекистонда қулдорлик ва феодализм шароитида молия**

Қулдорлик давлатларининг молияси, қулдорлик давлатлари молиясининг назарий масалалари\*. Солиқ ҳақидаги дастлабки қонунлар ва солиқларни ундириш тартиби\*. Греция, Рим ва Мисрда давлат молиялари. Феодал давлат молиясининг қулдорлик давлати молиясидан фарқи феодал давлатларининг даромад ва харажатлари. Ўзбекистонда давлат молиясининг келиб чиқиши, Аҳмоний Искандар Зулқарнайн, араб истилоси ва мўғуллар даврида молия, унинг қулдорлик ва феодал характери.\*

#### **Амир Темур давлатининг молияси ва амалга оширилган молиявий тадбирлар**

Амир Темур томонидан ишлаб чиқилган қадимдан мавжуд бўлиб келган ўзбек давлатчилиги бошқарув тизим илмий классик намуналарининг қайта тикланиши\*. Низомулмулкнинг "Сиёсатнома" ва Амир Темурнинг "Темур тузуклари" асарларида молия масалалари. Темур томонидан асосланган солиқ тизими ва

хазинани бошқариш\*. Маҳаллий ва марказий молияларни бошқаришнинг такомиллаштирилиши. Бобур, Улуғбек ва Алишер Навоийнинг молия соҳасидаги фикрлари ва фаолияти\*.

### **Марказий Осиё хонликларида молия**

Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларининг шаклланиши. Хонликларда молияни бошқаришдаги умумий усуллар ва айрим хусусиятлар. Амир Темур шариат тавсияларини маҳаллий амалдорлар томонидан инкор этилиши. Марғилоний, Ахмад Дониш, Махмур, Завкий, Бердах, Фитрат, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний ва бошқаларнинг асарларида молия масалалари\*. Чор Россияси мустамлакачилик сиёсатининг хонликлар давлат молиясига таъсири.

### **Мустамлака даврида Туркистонда давлат молияси**

Европада давлат молиялари ва молия фанининг ривожланиши. Ж.Боден, М.Сюлли, А.Решелье, У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо, Н.И.Тургеневларнинг молиявий қарашлари. Туркистон босиб олингандан кейин хонликлар молиясини Россия молия тизимига айлантиришга қаратилган тадбирлар\*. Туркистон давлат молияси - Россия молиясининг таркибий қисми.

### **Туркистон мустамлакачилигида давлат бюджетининг харажатлари**

Бюджетнинг миллий даромадларни тақсимлашдаги роли. Туркистон генерал губернаторлигининг харажатлари\*. Шаҳарлар ва маҳаллий бюджетлар ижтимоий-маданий тадбирларга харажатларининг ўзига хос белгилари\*. Давлат солиқлари ва даромадлари. Бухоро амирлиги ва Хива хонликлари пул муомаласига Россиянинг иқтисодий таъсири. Бухоро амирлигининг Лагофет тузган бюджет лойиҳаси\*.

### **Октябрь тўнтарилишидан кейин Ўзбекистонда молия соҳасида амалга оширилган ўзгаришлар ва уларнинг мустамлакачилик характери**

Туркистон автоном республикаси, Бухоро ва Хоразм республикаларида амалга оширилган дастлабки молиявий тадбирлар ва уларнинг мустамлакачилик мазмуни\*. Бухоро ва Хоразм республикаларининг бюджетлари ва уларнинг харажатларини эмиссия асосида қопланиши\*. Бу республикаларда ўтказилган пул ислохотларини бюджет тизимига таъсири.

### **Ўзбекистонда молия тизимини шакллантиришнинг асосий босқичлари**

1930 йилдаги солиқ ислохоти. 1930 йилдаги кредит ислохоти. Ўзбекистон миллий даромадини Россия манфаатларини кўзлаб тақсимлашда давлат бюджети

орқали ўтказилган тадбирлар. 1930 йилда амалга оширилган солиқ ислоҳоти ва оборот солиғининг республика даромадларини қайта тақсимлашдаги роли.

### **Ўзбекистон молияси иккинчи жаҳон уруши даврида**

Бюджет даромадларида аҳолидан олинадиган солиқлар ҳиссасининг кўпайиши. Бюджет даромадларидаги ўзгаришлар, ҳарбий солиқ ва бошқа йиғимлар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида бюджет даромад ва харажатларидаги ўзгаришлар\*. Урушдан кейинги даврда республика миллий даромадининг энг кўп қисмини иттифоқ бюджети ва қўшни республикалар молия тизими орқали сафарбар қилиниши.

### **Ўзбекистонда суғурта**

Шариат ва бошқа қадимги қонунларда табиий офат, шикастланиш, муҳтожлик ҳолларда фуқароларни таъминлаш фондлари. Россияда дастлабки суғурта монополияларининг ташкил қилиниши ва уларнинг Туркистонда вужудга келган бўлимлари\*. 1912 йилги тўнтаришдан кейин Туркистонда суғуртанинг ташкил қилиниши. 1930 йилда Ўзбекистонда биринчи суғурта қонунининг қабул қилиниши\*. 1997 йилда "Ўзагросуғурта", "Кафолат" ва "Ўзбекинвест" экспорт-импорт суғурта ташкилотларининг вужудга келиши ва уларнинг суғурта ташкилотлари билан муносабатлари\*.

### **Империя молия тизимининг тугатилиши ва Ўзбекистонда мустақил молия тизимининг шаклланиши**

Собиқ Иттифоқ томонидан 70 йил давомида мустамлакачилик молия сиёсатининг амалга оширилиши. Ўзбекистоннинг молия мустақиллигини таъминловчи дастлабки тадбирлар\*. Янги конституцияда Ўзбекистоннинг мустақил бюджети. Ўзбекистонда ўтган 11 йил давомида молия тизимини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар.\* И.А.Каримовнинг иқтисодий ислоҳотларининг иккинчи босқичида молия тизимининг навбатдаги вазифалари ва уларни амалга оширишда молия муассасаларининг роли ҳақидаги кўрсатмалари.

## **4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ РЎЙХАТИ**

Мавзуларни чуқур ўрганишда кўرғазмали воситалар, слайдлардан, компьютер техникасидан фойдаланиш кўзда тутилган.

**Case Studies:** Ўзбекистон Республикаси давлат молияси тарихи таҳлилига доир ўқув мисоллари (рус тилида). Давлат тарихи институти очик жамияти ҳомийлигида Иқтисодий Марказ томонидан тузилган.

**Масофавий ўқитиш соатлари:** [WWW.google.ru](http://WWW.google.ru) (Будапешт, Европа Марказий Университети дастурлари); [WWW.yandex.ru](http://WWW.yandex.ru); [WWW.rambler.ru](http://WWW.rambler.ru); [WWW.worldbank.org.ru](http://WWW.worldbank.org.ru); [WWW.imf.org](http://WWW.imf.org).

**Компакт диск:** Sales information. International Monetary Fund – Publication Services; Exchange Rate Analysis with a Case Study on Poland.

**Статистик тўпламлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги. -Т.: 2000, 2001, 2002й.й.
2. Ўзбекистоннинг иқтисодий йўналишлари. ТАСИС. 1999, 2000, 2001й.й.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Давлат бюджетининг ижроси юзасидан йиллик ҳисоботлари. Т.: 1999, 2000, 2001, 2002й.й.

## **5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ**

Талабаларни фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш орқали амалга оширилади; Жорий ва оралиқ баҳолаш турига ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 70%, якуний баҳолашга эса 30% миқдорда белгиланади. Жорий ва оралиқ баҳолаш турларига белгиланган баллар қуйидаги ҳолатларда қўйилади:

- талабанинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича асосий манбаларни конспектлаштириши;
- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиши;
- илмий тезислар тайёрлаши;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариши;
- фан бўйича кўргазмали қуроолларни тайёрлаши.

Таянч тушунчаларига асосланган ёзма ишни ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимини якуний баҳолаш босқичида "Ёзма иш" усулини татбиқ этиш бўйича намунавий Низом" билан белгиланади. Семестр давомида фанлар бўйича тўплаган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

- 86 - 100 фоиз "аъло";
- 71 - 85 фоиз "яхши";
- 55 - 70 фоиз "қоникарли";

- 55 фоиздан кам "кониқарсиз".

## 6. АДАБИЁТ

### Асосий адабиётлар

1. "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси", XII чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида қабул қилинган. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон - иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. -Т.: Ўзбекистон, 1995.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
5. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари, 1996 й. 1-12 сонлари, 1997й. 1-12 сонлари ва иловалари, ва 1998 й. 1-5 сонлари ва иловалари. ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Молия ва нархлар илмий-тадқиқот институти., -Т.: 1998.
6. Дробозина Л.А. Финансы. Уч. для ВУЗов. -М.: Банки и биржи, 2000.
7. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Дарслик акад. Б.Ахмедов таҳрири остида, -Т.: Ўзбекистон, 2001.
8. Амир Темур жаҳон тарихида, -Т.: Шарқ, 1997.
9. Сабанти Б.М. Теория финансов, Уч. пос. –М.: Менеджер, 1998, - 168 с.
10. Ткачук М. И. Государственный бюджет. Уч.пос. 2-изд. Минск: Высшая школа, 2001.
11. Собиров Х. Из истории финансов Узбекистана, -Т.: 1997.
12. Собиров Х. "Расходы Среднеазиатских ханств" – Научные записки ТИНХ. Вып. 23. -Т.: 1964.
13. Амир Темурнинг иқтисодий қарашлари// Мулоқот, 1994, № 2.
14. История экономических учений. Уч. для ВУЗов. -М.: Банки и биржи, 2001.
15. История экономических учений. Уч. для ВУЗов под. ред. Богомазова Н.В., Шишкина М.В. –С-Пб.: Университет, 2002.
16. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Дарслик. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий Университети, 2000.

## Кўшимча адабиётлар

1. Акрамов Э.А., Таиров А.Э. Экономические реформы Республики Узбекистан - М.: Люкс-арт, 1998.
2. Андреев В.А. Финансирование расходов социальной сферы // Экономика и статистика, 1993, № 2.
3. Беляев Ю. А. Роль финансов в стабилизации Российской экономики// Финансы, 1997, № 1.
4. Собиров Х. Темур давлатининг харажатлари // Мулкдор ҳафтаномаси, 1998, № 3-4.
5. Собиров Х. Мустақиллик ва пул// Ватан ҳафтаномаси, 1995, № 70.
6. Собиров Х. Араб истилоси даврида солиқлар// Солиқ ва божхона хабарлари, 1997, № 8.
7. Собиров Х. Налоги в Туркистанском генерал-губернаторстве// Журнал налогоплательщика, 1998, № 3.
8. Срожиддинова З.Х. Некоторые аспекты развития государственного бюджета суверенного Узбекистана. // Вопросы моделирования и информатизации экономики. Вып. 18. 1999.
9. Срожиддинова З.Х. Развитие государственного бюджета в условиях рыночной экономики: материалы международной научно-практической конференции / Сб. науч. ст. Москва 2000.
10. Туляганова Н.Б. Бюджетная политика в условиях рыночной экономики: Четырнадцатые международные Плехановские чтения. / Тезисы докладов. – М., 2001.
11. Юнусов М. Актуальные проблемы налоговой политики в Республике Узбекистан. // Рынок, деньги и кредит. 1998. № 2.
12. Вавилов Ю.Я. Государственный долг. Учеб. пос. -М., 1999.